

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ САРФ - ХАРАЖАТЛАРИ

Бадалова Максуда Умаровна
А.Авлоний номидаги МТИБ бошлиғи,
E-mail:umaksuda69@gmail.com
tel: +998-90-990-02-80

Халқаро миқёсда ўтказилган тадқиқотлар таҳлилига асосланиб, шуни таъкидлаш мумкинки, сўнги вақтда ИСО 9000 серия стандартлари талаблари бўйича СМТни жорий этиш ва сертификатлашдан кутилган натижалар, олинган умумий фойда билан оқланмоқда. Ушбу шарҳга кўра, ИСО 9000 бўйича СМТ сертификатланишидан кўриладиган ижобий натижалар қуйидагилар иборат: Таълим соҳасида эса қуйидаги натижаларга эришиш мақсадини қўяди :

Субъектив (таълим муассасаси ички фаолиятида):


- Ўқув жараёнида - таълим жараёнларини яхшилаш;
- таълим муассасаларини бошқариш тизимини қайта ташкил этиш;
- ўқув режасига янги мутахассисликларни тадбиқ этиш;
- таълим олиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида таълим муассасаси инфратузилмасини ривожлантириш;
- янги таълим технологияларини жорий этиш;
- ўқитувчиларнинг касбий маҳорат даражасини ошириш;
- Таълим жараёнини оптималлаштириш – ресурслардан максимал самарадорлик билан оқилона фойдаланишдан иборат.

Объектив (таълим муассасаси ташқи фаолиятида):

- таълим муассасалари ўртасида рақобатбардошликни ошириш;
- истеъмол бозорининг кенгайиши - бир томондан, ишга кириш учун ариза берувчилар, иккинчи томондан, ёш мутахассисларга муҳтож ташкилотлар - иш берувчилар;
- умумтаълим мактаблари нуфузини ошириш;
- грантлар ютишга катта имкониятга эга бўлиш каби.

ИСО 9000 бўйича СМТни жорий этиш ва сертификатлашнинг фойдаси масалаларини ўрганишда, унинг учун қандай харажатлар сарф қилиши кераклигини билиш муҳим.





ISO 9000 талабларига мос СМТни сертификатлаш ва жорий этиш харажатларининг пулда ифодаланган баҳолари бир-биридан фарқланади. Тадқиқот вақтида қуйидагилар аниқланди:

□ Туркияда сертификатлашнинг нархи 5,0 мингдан 30,0 минг АҚШ долларигача баҳоланади, ўртача ҳисобда эса 23,6 минг АҚШ доллариدير. АҚШда 25,0 минг ва Бельгияда 75,0 минг АҚШ долларини ташкил қилган.

СМТ жорий қилиш учун кетадиган жами харажатлар, мамлакатлар ва компанияларнинг ҳажмига кўра турлича.

Ривожланган мамлакатларда сертификатлаш нархи баландроқ бўлади; йирик компаниялар тўғрисида ҳам худди шундай хулосага келиш мумкин.

«Dun and Bradstreet Information Services» компанияси харажатлар таркибини аниқлаш ва уларни оптималлаштиришни баҳолаш бўйича ўтказган тадқиқотда, ISO 9000 талаблари бўйича СМТни жорий этиш ва сертификатлаш харажатларининг уч асосий гуруҳга таснифлади:

1) Ички харажатлар (ўқитиш, қайта ташкил қилиш, янги ходимларни ёллаш, тренинглар);

2) Маслаҳатчилик хизматлари ҳақи (ташқи маслаҳатчиларга);

3) Рўйхатга олиш хизматлари ҳақи (аризани кўриб чиқиш, аудитлар, назорат ва ҳ.к. учун сертификатлаш органига тўловлар). Ўзбекистонда эса ушбу харажатлар ташкилотларнинг катта-кичиклигига қараб, ўртача 1.5 минг АҚШ долларини ташкил этади ва жорий этиш жараёнлари 6 ойдан бир йилгача муддатни ташкил этади.

